

## ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАР ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ХУҚУҚЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-489-496>

**Надира Нишанбаева**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Болиқулова Хилола**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

### АННОТАЦИЯ

*Давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи – қатор конституциялар масалан, Испания, РФ, Монголия, Словакия, Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, референдумда қатнашиш ҳуқуқи, давлат хизматида ишлаш ҳуқуқи каби сиёсий ҳуқуқлар мажмуининг умумлашган номи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг давлат ишларини бошқариш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Халқаро пактнинг 25-моддасида кўрсатилишича: “Ҳар бир фуқаро қандай бўлмасин, бирор бир турдаги камситишларсиз ва асоссиз чеклашларсиз, ялти ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш орқали вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ҳамда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш имконини берувчи ҳақиқий сайловларда овоз бериш ҳамда сайланиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши лозим”.*

**Калит сўзлар:** декларация, модда, фуқаролик, сайловлар, сайловчи, цензура, қонун, давлат бошқарув органлари, ҳокимият, кодекс.

### АННОТАЦИЯ

*Право на участие в управлении государственными делами — это общее название набора политических прав в ряде конституций, таких как Испания, Россия, Монголия, Словакия и Узбекистан. Статья 32 Конституции Республики Узбекистан закрепляет право граждан управлять государственными делами.*

*Статья 25 Международного пакта о гражданских и политических правах гласит: Все граждане имеют право и возможность голосовать и баллотироваться на реальных выборах, которые проводятся время от времени тайным голосованием без ограничения, на основе всеобщего и равного избирательного права, и позволяют избирателям свободно волеизъявлять.*

**Ключевые слова:** декларация, статья, гражданство, выборы, избиратель, цензура, закон, органы государственной власти, администрация, кодекс.

### ABSTRACT

*The right to participate in the management of public affairs is a common name for a set of political rights in a number of constitutions such as Spain, Russia, Mongolia, Slovakia and Uzbekistan. Article 32 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan enshrines the right of citizens to manage state affairs.*

*Article 25 of the International Covenant on Civil and Political Rights states: All citizens have the right and opportunity to vote and stand for real elections, which are held from time to time by secret ballot without restriction, on the basis of universal and equal suffrage, and allow voters to freely express their will.*

**Keywords:** declaration, article, citizenship, elections, voter, censorship, law, public authorities, administration, code.

### КИРИШ

Маълумки, халқаро қонунчиликда кўрсатилган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши билан бирга мазкур ҳуқуқларнинг амалга оширилиши билан бирга мазкур ҳуқуқларни ҳимоялаш билан боғлиқ кафолатларнинг кенг доираси ҳам кўзда тутилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддаси 3-бандида шундай дейилади. “Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак”.

### МУҲОКАМА

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактнинг 25-моддасида кўрсатилишича: “Ҳар бир фуқаро қандай бўлмасин, бирор бир турдаги камситишларсиз ва асоссиз чеклашларсиз, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш орқали вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ҳамда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш имконини берувчи ҳақиқий сайловларда овоз бериш ҳамда сайланиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши лозим”. [1;6]

Қатор ривожланган демократик мамлакатларда ана шундай халқаро стандартлар қабул қилинган ва бу давлатларнинг ўз миллий қонунларида

фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Масалан, Швейцария Жиноят кодексида сайлов ҳуқуқлари ва сайлов қонунчилигини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган “Халқ иродасига қарши ноўрин хатти-ҳаракатлар” деб номланган махсус бўлим ажратилган. Унда жумладан, зўрлик ишлатиш ёки кўрқитиш йўли билан сайловга ёки овоз беришга тўсқинлик қилиш ёхуд бузиш (279-модда); шахснинг овоз бериш ва сайлов ҳуқуқини амалга оширишига зўравонлик ёки кўрқитув йўли билан аралashi (280-модда); сайловларда сайловчини ўз тарафига оғдириб олиш (281-модда); овоз бериш реестрини, сайловлар, овоз бериш ёки референдум ўтказиш учун имзолар йиғиш натижаларини сохталаштириш ёки уларни йуқотиб юбориш (282-модда); “сайловчилар овозларини йиғиш” ёки овоз бериш учун режали равишда бюллетенларни йиғишдан, шунингдек бу бюллетенларни тўлдириш, ўзгартириш ёки тақсимлаш ва овоз бериш, сайловлар сирини бузиш сингари жиноят таркиблари ўрин олган.

Голландия Жиноят кодексида сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишига куч ишлатиш йўли билан қаршилик кўрсатиш (125-параграф), сайловчиларни оғдириб олиш ( 126-параграф ), сайловлар ёки овоз бериш натижаларини сохталаштириш ( 127-, 129-параграфлар ), расмий белгиланган сайловларда ноқонуний равишда қатнашиш ( 128-параграф ) учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. [2;10]

Шундай хилдаги хатти-ҳаракатлар Дания Жиноят кодексида ҳам жиноят сифатида эътироф этилади ( 116 ва 117-параграфлар ). Бу мамлакат жиноий қонунчилигининг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, “маълум тартибда овоз бермаслик ёки овоз беришдан бўйин товламаслик учун” пул маблағи олувчи ёки талаб қилувчи шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин ( 117-параграфнинг 5-банди ).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасидан Россия Федерациясини мисол қилиб келтириш мумкин. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асносида сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ёки сайлов комиссияларининг ишига тўсқинлик қилиш ( 141-модда ), номзоднинг сайлов кампаниясини, сайлов бирлашмаларини, сайлов блокни, референдум ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳ фаолиятини, референдум қатнашчиларинининг бошқа гуруҳларини молиявий таъминлаш тартибини бузиш ( 141-модда ), сайлов хужжатларини, референдум хужжатларини ва овоз

бериш натижаларини сохталаштириш ( 142-модда ) сингари моддалар ҳам Россия Федерациясининг Жиноят кодексидан ўрин олган.

Ҳар қандай давлат фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосларини фақат шу давлатгагина хос бўлган жихатлари билан ажралиб турса-да, ижобий жихатларга ҳам эга эканлигини юқорида келтирилган мисоллар воситасида яққол кўриш мумкин. Хусусан, юқорида санаб ўтилган давлатларнинг жиноят қонунларида сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилишига алдов, зўравонлик, кўрқитув йўли билан тўсқинлик қилишда ёки овоз бериш сирини ошкор қилишда ва сайлов ҳужжатларини, шунингдек, сайлов ёки овоз бериш натижаларини сохталаштиришда айбланувчи шахслар учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилади.

Хорижий мамлакатларнинг бу хилдаги ибратли тажрибалари, шунингдек, халқаро стандарт талаблари Ўзбекистон қонунчилигида ҳам тўлиқ эътиборга олинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинганлиги белгилаб қўйилган. Сайлов қонунчилигида белгиланган талаблардан ташқари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашга мутлақо йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан судга арз қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ, шунингдек судга сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда жамоат бирлашмаларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиш имконияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланади.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишга, референдумда қатнашишга, сайловолди ташвиқотини юргизишда куч ишлатиш, алдов, кўрқитиш ёки бошқа йўллар билан тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, атайлаб овозларни нотўғри ҳисоблаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайловлари тўғрисидаги, вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг бузилишларига йўл қуйганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146 ва 147 моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи – қатор конституциялар масалан, Испания, РФ, Монголия, Словакия, Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи,

референдумда қатнашиш ҳуқуқи, давлат хизматида ишлаш ҳуқуқи каби сиёсий ҳуқуқлар мажмуининг умумлашган номи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг давлат ишларини бошқариш ҳуқуқи мустахкамланган. Сайловларга ўз номзодини қуйиш ва овоз беришда қатнашиш жинс цензи – жинсига кўра сайлов ҳуқуқини ( актив ёки пассив ) қонун йули билан чеклаш, яъни аёлларга сайлов ҳуқуқининг чекланганлиги. Бу XIX асрда ва XX аср бошларида бутун дунёда амалда бўлган. Бу чеклаш Янги Зеландияда 1893 йилда, Финляндияда 1906 йилда, Буюк Британияда ва Россияда 1918 йилда, АҚШда 1920 йилда, Лихтенштейнда 1976 йилда бекор қилинган. Ҳозирги кунда ушбу ценз айрим давлатларда, масалан Кувайтда сақланиб қолган.

Актив сайлов ҳуқуқи – сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳуқуқи. Ҳозирги кунда мазкур ҳуқуқ дунёнинг аксарият кўпчилик мамлакатларида жинси, машғулоти тури, мулкӣ ҳолати, маълумоти ва шу қабилардан қатъи назар, балоғат ёшига етган барча фуқароларга тегишлидир[3;4]. Актив сайлов ҳуқуқини ёш цензи ( Куба, Эронда 16 ёш, Малайзия, Марокаш, Боливияда 21 ёш ва бошқалар), саводлилик (Таиланд, Кувайт) ва ўтроқлик (Эстония, Ботсвана) цензлари орқали чеклашнинг айрим ҳолатлари учрайди. Ўзбекистонда фаол сайлов ҳуқуқи 18 ёшга етган барча фуқароларга тегишлидир. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар ҳамда суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқаролар бундан мустаснодир. Сайлов тизимини шакллантиришнинг энг муҳим ҳуқуқий тартиботларидан бири сайлов мавзеларини белгилашдир. Бунинг мураккаблиги шундаки, ҳудудий сайлов мавзелари икки белгига қараб, яъни сайловчилар сони бўйича ёки маъмурий – ҳудудий бўлиниш бўйича ёки маъмурий – ҳудудий бўлиниш шаклланиши мумкин. Кўпчилик хорижий давлатларда қонун сайлов мавзелари сонини олдиндан белгилаб қўяди.

Сайлов тизимини давлат томонидан таъминлаш. Ўзбекистонда парламент кўппартиявийлигига ва сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказишга ўтилганлиги, сайлов кампанияларини ташкил этиш ва ўтказишдаги жамоатчилик асосидаги ишларни энди фақат давлат томонидан ўтказишни ўртага қўймоқда[4;25]. Сайловчиларнинг сайлов кампанияларида иштирок этишига ташкилий жиҳатлардан таъсир қилишни кучайтириш масаласи ҳам кўтарилмоқда. Бундан келиб чиқиб, қуйидаги ташкилий аҳамиятга эга ечимларга эътибор бериш зарур. Биринчидан, республика сайлов тадқиқотлари

жамиятини тузиш, шунингдек, сайлов кампаниялари вақтида сиёсий партияларнинг фаолиятини назорат қилувчи кузатув кўмиталарини тузиш, иккинчидан, одатдаги жамоатчилик асосида ишлайдиган сайлов комиссияларини республика Олий Мажлиси тизимида сайлов кампаниялари ва уларни ўтказиш бўйича алоҳида кўмиталар тузиш йули билан ҳал қилиш кераклиги тасдиқланган. Кўппартиявийлик - ҳозирги демократик давлатларда сиёсий тизимни ташкил этишнинг асосий конституциявий принципларидан бири бўлиб, сиёсий ва мафкуравий плюрализм (хилма-хиллик)ни таъминлашга хизмат қилади. Кўппартиявийлик принципи юридик жihatдан давлат фуқароларнинг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглигини, улар фаолиятининг эркинлигини тан олиши ва кафолатлашини англатади. Кўппартиявийлик принципи ваколатли давлат органларининг миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий мурасасизликни, қонуний давлат ҳокимият органларини куч ишлатиш йули билан ағдаришни тарғиб қиладиган ёки бошқа йўсинда амалда бўлиб турган қонунчиликни бузадиган сиёсий партияларни қонунда белгиланган тартибда таъқиқлашни ва тарқатиб юборишни тақозо этади. Шу ўринда мажоритар сайлов тизимига кўра сайлов округи бўйича сайловчиларнинг энг кўп овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Мажоритар сайлов тизимининг мутлақ кўпчилик учун мажоритар сайлов тизими, нисбий кўпчилик учун мажоритар сайлов тизими, малакали кўпчилик учун мажоритар сайлов тизими (кам қўлланилади) фарқланади. Мутлақ кўпчилик мажоритар сайлов тизимида округ бўйича сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Нисбий кўпчилик мажоритар сайлов тизимида номзодга сайланган бўлиши учун округ бўйича бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олиши кифоя қилади. Малакали кўпчилик мажоритар сайлов тизимида ёлиб олдиндан белгиланган овозларнинг анча кўп бўлган, яъни  $2/3$ ,  $3/4$  кўпчилик овозни олиши керак. Мажоритар сайлов тизими бир қанча камчиликларига қарамай кўпчилик замонавий давлатларда қўлланилади. Бунда кўпинча мутаносиб (пропорционал) сайлов тизимидан ҳам фойдаланилади (масалан, парламентнинг қуйи палатаси мутаносиб тизим бўйича, юқори палата эса мажоритар сайлов тизими бўйича сайланади. Ҳозирги кунда нисбатан кўпчилик учун мажоритар сайлов тизими АКШ, Буюк Британияда, мутлақ кўпчилик мажоритар сайлов тизими Францияда қўлланилади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими мажоритар сайлов тизимига асосланган. Давлат бошқаруви тизимида ҳам узок йиллар давомида “**давлат – жамият – инсон**” тамойилига амал қилиб келинди [5;118].

Давлат қурилиши ва бошқаруви, барча сиёсий тузилмалар, уларнинг иш услуби ва фаолияти ҳам ана шу тамойил асосида шаклланди. Аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу ғояга таяниши ҳамда “**Давлат - инсон учун**” тамойили асосида ташкил этилиши даркор.

Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча цивилизациялар, сайлов тизимлари, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари туғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган эзгу ғоялар таъсирида вужудга келган. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда ва халқаро норма ижодкорлигининг фаол иштирокчиси ва янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида майлонга чиқмоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини тубдан ўзгартирмоқда. Жамиятда “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз” деган улуғвор мақсад умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш энг долзарб вазифаларимиз сирасига киради. [6;361].

Юртимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслар (қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жинойтчилик ва коррупция қарши кураш, бизнесни олиб бориш учун шарт-шароитлар, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига кириши – бизнинг стратегик мақсадимиздир. Инсон ҳуқуқлари бузилишига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов, сайлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек. инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий

институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. **Зеро, Янги Ўзбекистон – демократик қонунлар, қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакатидир**[7;119].

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин, Биз қадимги юнон Ренессанси бир неча юз йиллар давом этгани, унда “Афина демократиясининг олтин асри” деган давр бўлганини яхши биламиз. Донишманд файласуф Солон бошлаб берган ва аллома Суқрот замониғача давом этган ушбу даврда жамоатчилик назорати кучли бўлган демократия шаҳарчалари ташкил қилинган, қишлоқлар демократик бошқарув асосида идора этилган. Фуқароларнинг бирор-бир партиёга аъзо бўлиши мажбурийлиги ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши зарурлиги конституцияда белгилаб қўйилган. Арастуниг “Сиёсат” асарида Афина иттифоқига аъзо бўлган 150 дан ортиқ шаҳар-давлатларнинг конституциялари қиёсланган ва бу ўша замондаёқ демократия тамойиллари қандай аҳамият касб этганидан далолат беради. Шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи биздан ушбу йўналишда ҳам профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиб беришни талаб қилмоқда.

## REFERENCES

1. Саидов А.Х. “Сайлов ҳуқуқи” Тошкент 2013. 6-б.
2. Жумаев О. “Сиёсий партиёларнинг сайлов жараёнидаги этикаси”. Т.:ТДЮИ, 2014. 10-б.
3. Аҳмедов Д. “Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат”. Тошкент-2017. 4-б.
4. Б.М.Мустафоев.“Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги”.Тошкент-2019. 25-б.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон-тараққиёт стратегияси. Тошкент.2022. 118-б.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон-тараққиёт стратегияси. Тошкент.2022. 361-б.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон-тараққиёт стратегияси. Тошкент.2022. 119-б.